DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7628463 Pages: 23-28



WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



ЎЗБЕКИСТОН ИЛМ-ФАНИ РИВОЖИДА ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ОЛИМАЛАРНИНГ ҲИССАСИ: ТАРИХ ВА ЗАМОН

Нодира Мустафаева
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими раҳбари

Калит сўз: гендер тенглик, халқаро тажриба, гендер тенгликнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, сиёсий жиҳатлари, тамойиллари, хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари, тазйиқ ва зўравонлик,ҳимоя ордери, гендер тенглиги стратегияси.

Аннотация: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мамлакат илм-фани ривожида алоҳида ўрин эгаллайди. Мақолада Фанлар академияси тизимида илм-фан шуғулланаётган хотин-қизларнинг иштироки масалалари тарих ва замонавийлик нуқтаи-назаридан таҳлил қилинади. Академик аёллар ҳақидаги маълумотлар тақдим этилади.

THE CONTRIBUTION OF WOMEN OF SCIENTISTS OF THE ACADEMY OF SCIENCES TO THE DEVELOPMENT OF SCIENCE IN UZBEKISTAN: HISTORY AND MODERNITY

Key words: gender Equality, international experience, social, economic, spiritual, political aspects of gender equality, principles, women's labor rights guarantees, harassment and violence,protection warrant, gender equality strategy.

Abstract: The Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan occupies a special place in the development of science of the country. The article analyzes the issues of participation of women involved in science in the system of the Academy of Sciences from the point of view of history and modernity. Information about women academics is provided.

ВКЛАД ЖЕНЩИН УЧЕНЫХ АКАДЕМИИ НАУК В РАЗВИТИЕ НАУКИ УЗБЕКИСТАНА: ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННОСТЬ

Ключевые слова: гендерное равенство, международный опыт, социальные, экономические, духовные, политические аспекты гендерного равенства, принципы, гарантии трудовых прав женщин, домогательства и насилие,ордер на защиту, стратегия гендерного равенства.

Аннотация: Академия наук Республики Узбекистан занимает особое место в развитии науки страны. В статье с точки зрения истории и современности анализируются вопросы участия женщин, занимающихся наукой в системе Академии наук. Предоставляется информация о женщинах академиках.

Бугунги ўзгариш ва янгиликларга бой кечаётган давр барчамизнинг олдимизга янги-янги талабларни қўймоқда. Энг муҳими илм йўлини танлаган хотин-қизларимиз учун ўз имкониятларини намоён қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Уларни қўллаб қувватлаш давлатимизнинг тараққиёт дастурларига киритилган.

Айтиш лозим, ҳар бир жамиятнинг интеллектуал манзараси ҳақида фикр юритилганда, илм-фанга муносабат, илмий ғоялар ва тадқиқотлар, эришилган илмий натижалар кўлами муҳим кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Зотан, мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалиши илм-фан ривожига боғлиқ. Бу ўз навбатида илм-фан соҳасида изланишлар олиб бораётган хотин-қизлар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Олима аёллар томонидан бажарилаётган илмий тадқиқотлар, саноат, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий-маърифий ва маданий соҳаларнинг ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Бугунги кун жаҳонда хотин-қизларнинг илмий тадқиқотлар олиб боришдаги иштироки дунё давлатларида турли рақамлар билан қайд этилмоқда. Масалан, ЮНЕСКО Статистика институти маълумотларининг 2020 йил ҳолатига кўра, дунёда фан билан шуғулланаётган олималар улуши 30 фоизни (хусусан, Боливияда бу кўрсаткич 63%, Францияда 26%,

Эфиопияда 8%ни) ташкил этади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 39%га яқинлашганлиги қувонарли ҳолат, албатта.

Ушбу кўрсаткичларнинг бўлишида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида хизмат кўрсатаётган олималарнинг ҳиссаси алоҳида эканлигини таъкидлаш зарур. Фанлар академиясининг асосий вазифаси фан ва техника соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш, давлат ва жамият тараққиётини таъминловчи истиқболли йўналишлар бўйича фундаментал илмий текшириш ва илғор технологияларни ривожлантириш стратегиясини белгилаш, табиий, техникавий, тиббий, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий-маърифий ривожига кўмаклашувчи фундаментал тадқиқотлар олиб боришдан иборат.

1943 йил 4 ноябрда ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил топган даврдан бери унинг илмий текшириш муассасалари ходимларининг сони, илмий текшириш ишларининг кўлами ва салмоғи жиҳатидан катта тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтди.

Академия ташкил топган 1943 йили унинг таркибида 11 ҳақиқий аъзоси, 18 мухбир аъзоси ҳамда 3 фахрий аъзоси бўлиб, 10 илмий текшириш институтини бирлаштирган, 210 илмий ходим, жумладан, 28 фан доктори ва 80га яқин фан номзоди ишлаган. Айтиш лозим, ходимлар орасида аёллар жуда озчиликни ташкил этган эди. Ўтган тарихий давр мобайнида Фанлар академияси таркибидаги илмий тадқиқот муассасаларида илм-фан билан шуғулланувчи хотин-қизлар сони ортиб борди.

Қуйидаги жадвалда келтирилган сўнгги 3 йиллик кўрсаткичлар Фанлар академияси тизимида илм билан шуғулланаётган хотин-қизлар фаоллиги ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Йиллар	Илмий ходимлар сони		Фан докторлари		Фан номзодлари ва PhD	
	жами	аёллар	жами	аёллар	жами	аёллар
2020	1866	603 (32,3%)	307	75 (24,4%)	625	216 (34,5%)
2021	2929	935 (31,9%)	506	112 (22,1%)	868	279 (32,1%)
2022	2833	927 (32,7%)	490	109 (22,2%)	831	265 (31,8%)

Шу билан бирга Фанлар академияси таянч докторантураси ҳамда докторантурада таҳсил олаётганлар орасида хотин-қизларнинг сони ортаётганлиги эътиборга лойиқ. Қувонарлиси шундаки, аниқ ва табиий фанлар йўналишида изланувчи қизларнинг улуши ошиб бормоқда.

Йиллар	Таянч докторантура таҳсили		Докторантурада (DSc) таҳсил	
	жами	аёллар	жами	аёллар
2021	383	127 (33,1%)	55	13 (23,6 %)
2022	551	118 (21,4%)	59	11 (18,6%)
2023	686	250 (36,4%)	88	25 (28,4%)

Фанлар академияси бошқарув аппаратида 39% аёллар хизмат кўрсатади. Тизимдаги мавжуд 35та илмий ташкилотнинг 4тасида аёл директорлар (2та академик, 1та фан доктори, профессор, 1та фан номзоди) фаолият юритмоқда.

2023 йил январь ҳолатига кўра Фанлар академияси академиклари сони 65 нафар, шундан 5та аёл академик мамлакатимиз илм-фани ривожига самарали ҳисса қўшиб келмоқда. Қайд этиш керак, 2017 йил бўлиб ўтган Фанлар академияси академик сайловларида сайланган 32та академикнинг 3таси (9,3%) аёллар бўлди.

Тарихга назар солинса, 1943 йилдан 2017 йилга қадар сайланган 310 нафар Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари – академикликларнинг фақат 20тасини хотин қизлар ташкил этган. Уларнинг 9 нафари табиий, 8 нафари ижтимоий-гуманитар, 3 нафари аниқ фанлар йўналишидадир. Қуйида уларнинг рўйхатини келтирамиз:

Академик аёлларимизнинг ҳаёт йўли илм-фан билан шуғулланаётган хотин-қизлар учун ҳақиқий ибрат мактабидир. Аммо, академик аёллар сони юқорида қайд этилган умумий кўрсаткичга нисбатан 6,45%ни ташкил этади. Бу эса ўз навбатида Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига бўладиган сайловларда илм-фанда ўз илмий мактабини яратган, юқори натижаларга эришаётган хотин-қизлар иштирокини кўпайтиришни тақозо этаётганлигини кўрсатмоқда.

XX аср бошларида миллат маърифатпарвари Абдулла Авлоний: “Қизлар билим олишга ҳаммадан кўпроқ интилишлари лозим, зеро, бу билимлар билан улар келажак авлодни тарбиялайдилар”, - деб ёзган эди. Дарҳақиқат, бу масалани ҳал этмасдан тараққиётни тасаввур этиш қийин. Бизнинг жамиятимизда шарқона тарбия устуворлик қилади. Қизларимизни илм-фанга кўпроқ жалб этишда илмий раҳбар сифатида аёл олималарнинг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлаш зарур. Зеро, ривожланган жамиятларда маданиятлилик даражаси хотин-қизларга бўлган муносабат ва улар учун яратилган имкониятларга қараб белгиланади. Бу эса миллий анъаналарга ва шу билан бирга умумбашарий қадриятларга асосланган бўлмоғи даркор. Бугунги кунда ўзбек олималари аёллик мақомини тадқиқотчилик, етакчилик, устозлик фаолияти билан уйғунлаштира олган замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамонларидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Камилова Хасият Камиловна (25.04.1912 - 27.12. 1961 1952 йилда сайланган (тилшунослик)

2. Сулайманова Хадича Сулаймоновна (03.07.1913 - 26.11.1965) 1956 йилда сайланган (жиноят ҳуқуқи)

3. Райкова Илария Алексеевна (29.09.1896 - 26.10.1981) 1956 йилда сайланган (ботаника)

4. Хаджинова Максуда Агзамовна (08.07.1912 - 04.11.1981) 1966 йилда сайланган (механика)

5. Пугаченкова, Галина Анатольевна (07.02.1915 - 17.02.2007) 1984 йилда сайланган (санъатшунослик)

6. Ахунова Мелихон Ахуновна (28.12.1928 - 12.10.1987) 1979 йилда сайланган (Ўзбекистон тарихи)

7. Бутовская Евдокия Михайловна (28.12.1917 - 07.01.1982) 1979 йилда сайланган (сейсмология)

8. Матвиевская Галина Павловна 13.07.1930, 1984 йилда сайланган (математика, математика тарихи) *1994 йилдан в Оренбург педагогика университетида ишлаган*

9. Мавлани Машхура Игамовна (04.03.1934) 1989 йилда сайланган (микробиология)

10. Азимжанова Сабохат Азимджановна (31.12.1922 - 26.04.2001) 2000 йилда сайланган (умумий тарих)

11. Аминова Рахима Ходиевна (18.11.1925 - 16.12.2001) 2000 йилда сайланган (тарих)

12. Власова Нина Александровна (05.06.1930 - 22.02.2013) 2000 йилда сайланган (ботаника)

13. Глушенкова Анна Ивановна (01.08.1926 - 17.04.2017) 2000 йилда сайланган (табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси)

14. Абдуллахўжаева Малика Абдусаматовна (28.11.1932 - 26.06.2018) 2000 йилда сайланган (иммунология, аллергология, вирусология)

15. Абидова Мухаббат Фазиловна (18.10.1931 - 17.08.2020) 2000 йилда сайланган (кимёвий технология жараёнлари ва аппаратлари)

16. Убайдуллаева Раъно Ахатовна (04.11.1936 - 11.12.2020) 2000 йилда сайланган (иқтисод)

17. Рашидова Сайёра Шарофовна 02.08.1943, 2000 йилда сайланган (юқоримолекуляр бирикмалар кимёси)

18. Юсупова Дилорам Юнусовна 21.07.1947, 2017 йилда сайланган (тарих)

19. Иноятова Флора Ильясовна 26.11.1947, 2017 йилда сайланган (тиббиёт)

20. Арипова Тамарахон Уктамовна 11.07.1953, 2017 йилда сайланган (тиббиёт)